

## Чап тараф соҳиблари



17:39 / 28.01.2018 4129

**Ва чап тараф соҳиблари... Чап тараф соҳиблари недир?!**

**Самум ва қайноқ сувдадирлар.**

Оловли шамол – самум кишининг баданини ташқаридан тешиб ўтувчи шамолдир.

Қайноқ сув – ҳамим дўзахийларнинг баданини ичидан тешади. Чап тараф эгалари шулар ичида доимий азобда бўладилар.

**Қоп-қора тутун соясидадирлар...**

**На салқин эмас ва на фойдали.**

Аввалги оятларда таъкидланганидек, жаннатийлар «ёйилган соя»да роҳатландилар. Унинг аксича, жаҳаннам аҳли дўзахнинг салқини йўқ, фойда бермас қоп-қора тутун соясида, азобларига азоб қўшилиб, жазоланар эканлар. Уларнинг бу улкан азобга дучор бўлишларининг сабаби нима?

**Албатта, улар бундан олдин маишатпараст эдилар.**

Яъни улар дунё лаззатининг ортидан эргашиб, иймонни, диёнатни унутган тоифадан бўлган эдилар.

**Ва катта гуноҳда қатъий эдилар.**

«Катта гуноҳ»дан мурод мушриклик, кофирликдир.

Яъни дўзахийларнинг азобга дучор бўлишларининг энг катта сабаби уларнинг мушрик ва кофир бўлиб ўтганликларидир. Айни чоғда, катта гуноҳларни саркашлик билан қилганлар ҳам ушбу азобларга дучор бўладилар.

**Ва: «Биз ўлиб, тупроқ ва суяк бўлсак ҳам, қайта тирилтириламизми?»**

**Аввал ўтган оталаримиз ҳам-а?!» - дер эдилар.**

Мазкур уч гуноҳ – куфру ширк, ҳойи-ҳавасга берилиш ва қайта тирилишга ишонмаслик – бир-бирларига узвий боғлиқ бўлиб, инсониятнинг ҳалокатига асосий сабабдир. Ҳойи-ҳавасга берилиш, фақат лаззат, маишат ортидан овора бўлиб ўтиш инсонни бузади. Қайси қавм ушбу нарсага мубтало бўлса, муқаррар ҳалокатга учраганлиги тарихдан маълум.

Қиёматга, жумладан, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмаслик ҳам барча гуноҳларнинг бошидир. Модомики, инсонда ушбу ақийда бўлмас экан, унинг инсонлиги қолмайди. Ҳамма нарсага бу дунёнинг ўзида эришиб қолишга ҳаракат қилади. Қайта тирилишга ишонмайдиган кимса бу дунёнинг беш кунлик дунё эканини, тез ўтиб кетишини билади ва фурсатни қўлдан бермай деб, кўнглига келган ишни қила бошлайди. Натижада у куфр ва мушриклик гуноҳига ботиб кетади. Бунинг оқибатида эса охиратда чап тараф эгаларидан бўлиб қолади.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Тафсири ҳилол китобидан)*